ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИДАН КЕЙИНГИ РЕАБИЛИТАЦИЯ БОСҚИЧИДА ОЁҚ МИКОЗИНИНГ АСОРАТЛАНГАН ШАКЛЛАРИ

М.И. Абдуллаев[1], Н.Н. Ахмедгалиева[2]
[1,2] (Тошкент Давлат Тиббиёт Университети, Дерматовенерология кафедраси, Тошкент шаҳри Тумалараро 8-сонли тери-таносил касалликлари диспансери)

DOI: 10.67620/dermajournal.1730006

Муаммонинг долзарблиги. Жаҳон адабиётлари маълумотларига кўра, сўнгги йилларда пандемия муносабати билан, айниқса, қандли диабет билан касалланган беморларда оёқ микозининг асоратланган шакллари кўп учрамоқда. Шу муносабат билан микологларнинг асосий вазифаларидан бири коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларнинг реабилитация босқичидаги клиник-иммунологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда оёқ микозининг асоратланган шаклларини таҳлил қилиш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот мақсади. Коронавирус инфекциясини ўтказган қандли диабет билан касалланган беморларда оёқ панжаси микозининг асоратланган шакллари учраш частотасини ўрганиш ва самарали даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш**.**

Материал ва усуллар. 2025 йил давомида 8-сонлараро тери-таносил касалликлари диспансерига оёқ микозининг турли клиник шакллари билан 255 нафар бемор мурожаат қилди. Улардан 30 ёшгача бўлганлар — 46 нафар, 31 ёшдан 50 ёшгача бўлганлар — 122 нафар, 50 ёш ва ундан катталар — 87 нафарни ташкил этди.

Анамнез йиғиш жараёнида уларнинг 87 нафари (34,1%) аввал COVID-19 билан касалланган аниқланди. Ушбу гуруҳда асосан 31–50 ёшдаги беморлар кўпчиликни ташкил этди — 49 нафар (56,3%). Бошқа ёш гуруҳларида эса уларнинг сони камроқ бўлиб, 30 ёшгача бўлганлар 11 нафарни, 50 ёшдан катталар 27 нафарни ташкил қилди.

Тадқиқот натижалари. Барча беморлар стандарт талаблар асосида текширилди ва оёқ микози ташхиси барча беморларда бактериоскопик усулда тасдиқланди.

Текширилган беморлар орасида аёллар сони эркакларга нисбатан 1,91 марта кўп бўлиб, аёллар 61,9%, эркаклар 38,1%ни ташкил этди. Бу ҳолат текширилган беморларнинг иммунологик ва гормонал ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ.

Беморларнинг ярмидан кўпи — 73,4% — ижтимоий фаол ёш гуруҳига (50 ёшгача) мансуб бўлди, 26,6%ини эса 50 ёшдан катта шахслар ташкил этди.

255 нафар беморнинг 103 нафарида (40,3%) мурожаат вақтида 2-тур қандли диабет аниқланди. Улардан 11 нафари (8,2%) ўз касаллиги ҳақида аввал билмаган, 152 нафари (32,1%) эса қандли диабет бўйича илгари мунтазам равишда тегишли даволаш муолажаларини олган.

Қўйилган мақсадга эришиш учун беморлар учта таққосланадиган гуруҳга ажратилди:

1-гуруҳга қандли диабет билан касалланган 103 нафар бемор киритилди;

2-гуруҳга илгари COVID-19 билан касалланган 87 нафар бемор киритилди;

3-гуруҳга қандли диабети бўлмаган ва коронавирус инфекцияси билан касалланмаган 65 нафар бемор киритилди.

Клиник тадқиқотлар натижасига кўра, **1-гуруҳда** 19 нафар беморда (18,5%) интертригиноз шакл, 19 нафар беморда (18,5%) сквамоз шакл, 65 нафар беморда (63%) эса оёқ микозининг дисгидротик шакли аниқланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, дисгидротик шаклга эга бўлган барча беморларда кучли қичишиш, намланиш, шиш, экзематизация кузатилди ва касаллик кўпинча пиококк инфекцияси билан асоратланди.

2-гуруҳ беморлари орасида 21 нафарда (23,9%) сквамоз шакл, 15 нафарда (17,4%) интертригиноз шакл, қолган 51 нафарда (58,7%) эса оёқ микозининг дисгидротик шакли аниқланди.

Ушбу гуруҳда ҳам касалликнинг дисгидротик шаклига эга бўлган беморлар кўп учради. Уларда касаллик пиодермия билан асоратланган бўлиб, шиш, намланиш ва сероз-йирингли ажралмалар билан кечди. Барча беморларда кучли қичишиш кузатилди, деярли барча беморларда чов соҳаси лимфаденити қайд этилди.

3-гуруҳ беморлари орасида 23 нафарда (35,3%) сквамоз шакл, 25 нафарда (38,2%) интертригиноз шакл, қолган 17 нафарда (26,5%) оёқ микозининг дисгидротик шакли аниқланди.

Ушбу гуруҳда дисгидротик шакл нисбатан енгил кечди: зарарланган ўчоқларда енгил шиш, ўртача даражадаги қичишиш ва сероз ажралмали намланиш кузатилди.

Хулоса. Қандли диабет билан касалланган ва коронавирус инфекциясини ўтказган беморларда оёқ панжаси микози оғирроқ кечади. Бундай беморларда касалликнинг дисгидротик шакллари кўпроқ учрайди, жараён деярли ҳар доим пиококк инфекцияси билан асоратланади ва чов соҳаси лимфаденити билан кечади.

Самарали даволаш усулларини оптималлаштириш ва ушбу беморларни олиб бориш тактикасини такомиллаштириш учун мазкур йўналишда қўшимча чуқур тадқиқотлар ўтказиш зарур.

Коронавирус инфекциясидан кейин, шунингдек, қандли диабет билан касалланган беморларда оёқ микозининг оғир кечиши COVID-19дан кейинги реабилитация даврида беморларга организмнинг иммун ҳолатини яхшилашга қаратилган препаратларни қўллаш зарурлигини кўрсатади.

Оёқ микозини эрта аниқлаш ва профилактика қилиш нафақат дерматологлар, балки бошқа мутахассислик шифокорлари, жумладан, эндокринологлар томонидан ҳам назорат қилиниши керак.

Шунингдек, COVID-19дан кейинги реабилитация даврида эндокринологик асоратларнинг профилактикаси билан бир қаторда организмнинг иммун ҳолатини яхшилашга қаратилган даволаш чора-тадбирларини қўллаш мақсадга мувофиқ.